



Ислом Нури

Маъноси: «(Эй уммати Муҳаммад), **одамлар учун чиқарилган энг яхши миллат бўлдингиз. Зеро сиз яхши амалларга буюрасиз, ёмон амаллардан қайтарасиз ва Аллоҳга иймон келтирасиз...».**

Тавба сурасининг 71-оятида эса, Намозни қоим қилишдан ва Закотни адо этишдан олдин зикр қилган:

{[...]}
[...]
[...]
[...]
[...]
71:[...].{[...]}

Маъноси: «**Мўмин ва мўминалар бир-бирларига дўстдирлар. Улар яхшиликка буюрадилар, ёмонликдан тўхтатадилар (қайтарадилар), намозни тўкис адо қиладилар, закотни (ҳақдорларга) ато этадилар, Аллоҳ ва Унинг Расулига итоат қиладилар. Ана ўшаларга Аллоҳ раҳм қилади. Албатта Аллоҳ Азиз ва Ҳаким (ҳикматли)дир».**

Мана шу тақдимда: (яъни бошқа фарз амаллардан олдин зикр қилишда) бу фарз амалнинг Исломдаги ўрни улуғ экани ва унинг шахслар, жамиятлар ва халқларнинг ҳаётидаги аҳамияти тушунтирилмоқда. Қачонки уммат бу фарз ибодатни тўла бажарса, албатта уммат тузалади, яхшилик ва баракот кўпайиб, ёмонлик йўқолиб, мункар амаллар (яъни гуноҳ-маъсиятлар) камаяди. Аммо вазифани тарк этса, алабатта умматнинг устига ёмон оқибатлар ва катта офатлар келади. Уммат парчаланиб, қалблар қотиб ёки ўлиб кетади, турли разилликлар тарқалади, ботил қулоч ёзиб, мункар ёйилади.



Ислом Нури

4) Бу Умматнинг (уммати Муҳаммаднинг) яхшилик сабабларидан бири амри маъруф ва наҳий мункардир. Аллоҳ таоло айтади:

{\text{بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ}} \text{اللّٰهُمَّ صَلِّ عَلٰى سَيِّدِنَا مُحَمَّدٍ وَعَلٰى اٰلِ سَيِّدِنَا مُحَمَّدٍ وَوَسِّلْ لِحَبْلِ الْوَدَّعِیْنِ} \\ \text{وَصَلِّ عَلٰى اٰلِ الْاِمَامِ عَلِيِّ بْنِ اَبِیْ طَالِبٍ وَوَسِّلْ لِحَبْلِ الْوَدَّعِیْنِ} \\ 110:\text{بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ} \{\text{بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ}\}

Маъноси: «(Эй уммати Муҳаммад), **одамлар учун чиқарилган миллатларнинг энг яхшиси бўлдингиз. Зеро сиз яхши амалларга буюрасиз, ёмон амаллардан қайтарасиз ва Оллоҳга иймон келтирасиз....**». (Оли Имрон: 110)

5) Бу ибодатни қоим қилиш ер юзида тамкин (ғалаба) бўлишига ва Аллоҳнинг нусрати келишига сабабдир. Аллоҳ таоло айтади:

{\text{يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ اٰمَنُوْا اذْكُرُوْا نِعْمَتَ اللّٰهِ عَلَيْكُمْ الَّتِيْ كُنْتُمْ عَلٰىهَا كٰفِرًا}} \text{وَلَا تَحْسَبُوْا اَنَّ اللّٰهَ يَخْلُقُ السَّمٰوٰتِ وَالْاَرْضَ حِيْثُ شِئْتُمْ} \\ \text{وَلَا تَحْسَبُوْا اَنَّ اللّٰهَ يَخْلُقُ السَّمٰوٰتِ وَالْاَرْضَ حِيْثُ شِئْتُمْ} \\ \text{وَلَا تَحْسَبُوْا اَنَّ اللّٰهَ يَخْلُقُ السَّمٰوٰتِ وَالْاَرْضَ حِيْثُ شِئْتُمْ} \\ 41-40:\text{يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ اٰمَنُوْا} \{\text{يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ اٰمَنُوْا} \}

Маъноси: «**Албатта Аллоҳ Ўзига (яъни динига) ёрдам берадиган зотларни ғолиб қилур. Шубҳасиз Аллоҳ кучли, қудратлидир. Уларни (яъни мусулмонларни) агар Биз ер юзига ғолиб қилсак - улар намозни тўқис адо этадилар, закотни (ҳақдорларга) ато этадилар, яхшиликка буюрадилар, ёмонликдан қайтарадилар. (Барча) ишларнинг оқибати Аллоҳнинг (измидадир).**»

6) Бу ибодатни бажаришнинг фазли жуда ҳам олийдир. Аллоҳ таоло айтади:



Ислом Нури

8) Амри маъруф ва наҳий мункарни бажаришда — сақланиши фарз бўлган беш нарсани муҳофаза қилиш бор: “Дин, жон, ақл, насл ва мол”. “Амри маъруф ва наҳий мункар”ни юқорида зикр қилинганлардан бошқа фазилатлари жуда ҳам кўп.

Қачонки “амри маъруф ва наҳий мункар” тарк этилса, унга амал қилинмаса, ер юзида: қуруқлик ва денгизларда фасод тарқайди. Бу амални тарк қилиш жуда оғир ишларга сабаб бўлади. Қуйидаги сатрларда шулардан баъзиларини зикр қилиб ўтамиз:

1) Бу фарзни бажармаслик натижасида ҳалокат, азоб-уқубатлар бўлади. Аллоҳ таоло айтади:

{الَّذِينَ يَدْعُونَ إِلَى الْفِتْنِ أُولَئِكَ يَحْمِلُونَ كُفْرَهُمْ كَمَا هُمْ يَحْمِلُونَ كُفْرَهُمْ الَّذِينَ كَفَرُوا وَأُولَئِكَ هُمُ الرَّاغِبُونَ إِلَى الْعَذَابِ الَّذِي كَانُوا يُوعَدُونَ}

Маъноси: «**Ҳамда сизлардан золим кимсаларнинг ўзигагина етмай** (балки барчага етадиган) **фитна-балодан сақланингиз!**»

Шайх Саъдий ўзларининг «Тайсирул Каримир Роҳман» номли тафсир китобларида бу ояти каримага изоҳ бериб бундай дейдилар:

“Яъни, зулм қилган золимнинг ўзигагина эмас, балки, золимга ва бошқаларга ҳам етиб қоладиган бало-мусибатдан эҳтиёт бўлинглар. У фитна балолар қачонки зулму зўравонлик ёйилса-ю уни инкор қилиб ўзгартирилмаса, ана шунда барчага етиб қолади. бу фитна-балодан қутилиш ва сақланиш йўли: мункар ишлардан қайтариб, уларни тўхтатиш ва фасод, фисқу-фужур аҳлларини қаттиқ зажрлар билан бузғунчиликларидан тўхтатиш ва гуноҳ-маъсият, зулму зўравонлик йўллари, имкон борича тўсиш билан бўлади”.



Ислом Нури

Ҳузайфа розияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар:

«[... ..] !... .. [... ..]»

Маъноси: «Жоним Унинг қўлида бўлган зотга қасамки! Яхши ишларга буюрасизлар ва ёмон ишлардан қайтарасизлар, ёки бўлмасам, Аллоҳ сизларнинг устингизга ўзи томонидан бир уқубат юбориб қолиши мумкин, ана ундан кейин сизлар дуо-илтижо қилсангизлар ҳам ижобат бўлмай қолади». (Муттафақун алайҳи)

Уммул Мўъминийн Зайнаб розияллоҳу анҳо Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан сўрадилар:

«[... ..]»

Маъноси: «Орамизда солиҳ бандалар бор бўла туриб ҳалокатга йўлиқамизми?»

Шунда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:

«[... ..] !... ..]»

Маъноси: «Ҳа! Агар ифлосликлар (яъни, бузғунчилик, гуноҳ-маъсият, фисқу-фужурлар) кўпайиб кетса!», дедилар. (Бухорий ривояти)

^[1] “Тоғут” шаръий ибора бўлиб, залолатга чақирувчи нарсаларга айтилади. Арабчада: “ўзининг ҳаддидан ошиб кетган”-деган маънони ифодалайди. Тоғутлар жуда ҳам кўп бўлиб, уларнинг катталари бештадир: 1- Шайтон -лаънатуллоҳи алайҳи-. 2- Бир кимсаки унга



ибодат қилинади ва у бунга рози бўлади. 3- Инсонларни ўзига ибодат қилишга чорлаган кимса. 4- Оз бўлсада ғайб илмидан хабардорман деб даъво қилган кимса. 5- Аллоҳ нозил қилган шариатдан бошқаси (замонавий инсолар томонидан қўйилган қонунлар) билан ҳукм қилган ҳоқим.